



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
4 февраль
ШАНБА
№ 10
(12.438)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ



ДАРОМАД САЛМОҚЛИ, НИЯТЛАР ҲАМ КАТТА

Одатда, фермер ва тadbirkорлар ҳаракатчан, интилувчан, изланувчан кишилардан чиқади. Агар улар бу хислатларидан ташқари яна олий маълумотли мутахассис бўлишса, нур устига нур. Бундайлар тез орада ҳақиқий қишлоқ мулкдорига айлансадилар.

Пискентлик Уктам Рахимов шундай мулкдорлардан десак хато бўлмайди. У олий маълумотли зоомухандис. Қишлоқ хўжалик институтини битиргач, туман бўрдоқчилик пунктида бош зоотехник бўлиб ишлади. Уша йилларда олий ўқув юртида олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлади, бўрдоқчилик соҳасида катта тажриба орттирди.

Мустақиллик шарофати билан замонавий қишлоқ мулкдори бўлиш учун кенг имконият йўли очилгачи, бўрдоқчилик пунктидан давлат тасарруфидан

етиштирувчи фермер хўжаликлари қорвачиликни ҳам бемалол йўлга қўйиш имкониятига эга эканлигини амалда исботламоқдалар. Буни уddaлаётган фермерлар ем-хашакни ўз ерларидан чиқаришяпти.

Уктам Рахимов аллақачондан бери шундай қилаяпти. 4 гектарга маккажўхори экади. 30 гектар беданоиси бор. Ҳам кўклай едиради, ҳам қишлоқ учун куруқ хашак гамлайди. Қолаверса, 30 гектарли беданоия галла ва пахта етиштириладиган 80 гектар майдонда алмашлаб экишни бемалол йўлга қўйиш имко-

ни беради. Фермаиздаги қорамоллар туёги 164 тага етди. – дейди Уктам Рахимов. – Беш молбоқар уларни боқиш билан банд. Олмалик шаҳри қороналар ва боғчаларга йилга 10 тонна атрофида гўшт етказиб бераёғимиз. Бўрдоқчилик, пахтачилик ва галлачиликдан келаётган даромадларни расамади билан тасарруф этиб, техника паркимизни бутлаб олиш ниятимиз бор. Бунга қанча тез эришсак, шунча яхши. МТПларнинг техникасини ишлашига сарфлаётган харажатларимизни тежашнинг энг мақбул йўли шу.

СУРАТДА: фермер Уктам Рахимов (ўртада), молбоқарлар Анвар Идрисов ва Исмомил Отамуродов.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

БАНДЛИК ДАСТУРИ – АМАЛДА

БИТИРУВЧИЛАР УЧУН МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Мамлакатимизда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Жойларда ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

Ана шундай тadbirkорлардан бири Бўстонлик тумани ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Махалла" жамғармаси, халқ таълими туман бўлимлари ҳамкорлигида Ҳазраткият кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар колле-

жид ташкил этилди. Маъзур ярмаркада 30 корхона ва ташкилот 500 дан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. – Жорий йилда туманимиздаги 5 касб-хунар коллежини 1500 нафардан ортик йигит-қиз битириб чиқади, – дейди

Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидан олинган маълумотга кўра, 2011 йилда ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 120 дан ортик корхона ва ташкилот мингдан ортик бўш иш ўринлари билан қатнашиб, 500 нафардан зиёд фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлган.

Л. СУВОНОВ, Уза мухбири.

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги юқори ўсиш суръатлари аҳоли реал даромадларининг йил сайин ошиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий ақунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маъжасининг мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, 2011 йилда мамлакатимизда иш ҳақи 20,2 фоиз, мамлакат ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоиз ўсди.

СОЛИҚЛАР ФАРОВОНЛИКНИНГ ЯНАДА ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Таъкидлаш лозимки, бундай иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкни пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган солиқ сиёсати билан ҳам боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги яна бир муҳим ҳужжатдир.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – Уза мухбири Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жисмоний шахсларга солиқ солиш бош қармаси бошлигининг ўринбосари Ҳабибулла РАҲМОНОВ билан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ставкалари ҳамда бу борадаги имтиёзлар ҳақида суҳбатлашди.

– Мамлакатимизда солиқларнинг рағбатлантирувчи хусусиятига эътибор қўйишга самарасида миллий яши ички маҳсулотга нисбатан солиқ юкнинг камайишига эришилмоқда, – дейди Х. Раҳмонов.

Хусусан, солиқ юки 1991 йилда яши ички маҳсулотга нисбатан 41,2 фоизни ташкил қилган бўлса, ўтган йиллар давомида амалга оширилган оқилона солиқ сиёсати натижасида ҳозирги кунда кўрсаткич 1991 йилга нисбатан қарийб 2 баробар камайди. Жумладан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси ҳам йилдан-йилга пасайтирилаётгани аҳоли фаровонлигининг тобора юксалишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари

тўғрисида"ги қарори билан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг куйи ставкаси 2012 йилда 9 фоиз этиб белгиланди. Бу ўтган йилдаги нисбатан бир фоиз кам бўлиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда даромад олаётган жисмоний шахслар ушбу ставкада солиқ тўлайди.

Шу билан бирга, жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадлари энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача бўлган қисмини 16 фоиз, ўн бараваридан ортик қисмини эса 22 фоиз ставкада солиққа тортиш тартиби сақлаб қолинди.

– Жисмоний шахслар учун қандай солиқ имтиёзлари белгиланган?

– Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда нафақат солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, балки аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, уларнинг уй-жой ва маънавий шароитини яхшилаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган имтиёзлар жорий этилаётгани ҳам ўзининг юксак самараларини бераётди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, ёш оилаларга яққа тартибда уй-жойни қуриш ва таъмирлаш, қўпқаватли уйдаги квартирани сотиб олиш ёки реконструкция қилиш учун берилган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадларга солиқ солинмайди.

(Давоми 2-бетда).

ТАЪЛИМ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасига илгор ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилаётгани ўқитиш сифати ва мазмунини такомиллаштириш, ёшларнинг билими ва савиясини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЭНГ ЯХШИ ЎҚУВ-АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ

Республика таълим маркази, Мультимедиа ва умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда ўтказилаётган турли лойиҳалар, анжуманлар, семинарлар ўқувчилар ҳамда педагогларнинг компьютер саводхонлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. "Энг яхши электрон ахборот-таълим ресурслари – 2012" республика кўрик-танлови ҳам айни мақсадларга хизмат қилмоқда. Қўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ўттиздан зиёд муаллиф иштирок этди. Улар томонидан таълим ресурслари шундай ишлар асосан ўқув-интеллектуал ўйинлар, болаларнинг билими ва ўзлаштиришини назорат қилувчи дастурлар, маърифий тақдиротлар, электрон қўлланмалар, дидактик материаллар, дарс жараёни ва мактаб бошқарувига доир автоматлашти-

ҚИЗЛАРИМИЗ – ФАХРИМИЗ

Қайси хонадонга ибולי, ҳаёли, ораста, эпли келин келса, билинги, бу ўша оиланинг бахти, фаровонлиги гарови. Аммо, барчага бирдек ёқувчи, оилани тиндирувчи қизни воёга етказгунча қанча заҳмат чекиш, унинг тарбиясига масъулият билан ёндашиш кераклигини ота-оналар яхши билишади.



ИБОЛИ, ОРАСТА, БАРКАМОЛ

– Бугун улғайиб, воёга етган қизларимизни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, эртага оилада ҳам, жамиятда ҳам уларнинг фаоллигини таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан қатор дастурлар амалга оширилмоқда, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва. – Айниқса,

сўнгги йилларда қўмитамиз қизлар тарбиясидек ўта назик ва машаққатли вазифага ота-оналар билан бирга масъул муносабатда бўлаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бука тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан ўтказилган семинар ҳам шу сабаб харажатларнинг давоми бўлди.

Семинарда туман хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари раислари, маҳалла маслаҳатчилари, жамоат ва давлат ташкилотлари вакиллари қатнашди. Мустаҳкам оила йили муносабати билан уюштирилган "Ориятли қиз – миллият гурури" маърузасидаги ушбу табдирида ёш қизларда гигиена қоидалари ва атроф-муҳитга экологик муносабатни тўғри шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, балоғатга етмай турмуш қуришининг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизлар ўртасида оила муқаддаслиги ҳақида тушунчалар бериб бориш, уларни маънавий ҳамда жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш вазифаларига ҳам алоҳида тўхталинди. Бундан ташқари, ёшларнинг диний ақидапарастлик, экстремизм ғоялари таъсиридан асраш, улар ўртасида гиёҳвандлик, беҳаёлик иллатларининг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Равшан НЕЪМАТОВ, Даврон АҲМАД олган суратлар.

ДАВРА СУҲБАТИ

МУҲИТ СОҒЛОМ – ТУРМУШ ҒУЗАЛ

Юқори Чирчиқ тумани Янгибозор шаҳарчасида "Оила мустаҳкамлигини таъминлашда оилавий бизнеснинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Уни О'ZLiDeP вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари иштирок этган табдирида асосий эътибор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларини амалга оширишда хотин-қизлар иштирокини кучайтириш, оила қонунчилигини такомиллаштириш, аёллар тadbirkорлигини, оилавий бизнесни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оила муҳитини соғломлаштириш масалаларига қаратилди.

Жўрабек МУРОДОВ.

УЧРАШУВ

ФАҲРИЙЛАР НАМУНАСИ

Зангиота туманида вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати, фахрийлар ва хотин-қизлар кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилган табдирида шахсий таркибни тарбиялаш, қонунчилик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш ҳақида суҳб бўрди.

– Бундай учрашувларда истеъфодаги ички ишлар идоралари ходимлари баён этган фикр-мулоҳазалар, ўй ва маслаҳатлар эл оёйишталлиги ва халқимиз хотиржамлиги йўлида хизмат қилишга астойдил бел боғлаган ёш ходимларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади, – дейди вилоят ИИБ катта инспектори Ҳасан Носиров.

Табдирида сузга чиққанлар ички ишлар ходимларига эътибор ва ғамхўрлик, яратилаётган шарт-шароитларни алоҳида таъкидлашди. Учрашув якунида Зангиота тумани ИИБда узок йиллар хизмат қилган Дилшод Шарофиддинов ҳамкасблари иштирокида нафақа кузатилди. Унинг хизматда эришган муваффақиятлари, ёш ходимларга ибрат бўлишга аризгулик бой тажрибаси ҳақида илиқ фикрлар билдирилди, эсдалик совғалари топширилди. Хуррид РЎЗИЕВ.

2012 йил учун

ОБУНА

давом этмоқда. «Тошкент ҳақиқати»

газетаси индекси – 205.

2012 ЙИЛ - МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ



ҚОЗИЛИКЛАР ИБРАТИ

Чинос шаҳрида Қози деб аталувчи маҳалла бор. Фуқаролар йиғини раиси Худойберди Холмухамедовнинг айтишича, маҳалланинг бундай аталиши бежиз эмас. Нафақат туманда, балки республикада таниқли илм-фан фидойилари, олим фузалардан яшаб ўтган бу масканда. 1260 аҳоли, 508 оила,

Қозиликлар ҳам шундай. 178 хонадоннинг 112 тасидан бири парча бўлса ҳам узоқ вақтга қолди. Уларда кишини-ёзини турли неъматлар етиштирилади. Аҳоли дастурхонининг тўқинлиги шундан. Қишда ҳам помидор, бодиринг, қарам ва қўқатлар бисёр. 227 тадбиркорнинг 91 нафари оилавий бизнесини йўлга қўйган. Фаровонлик сари интилаётган хонадон соҳиблари оилалар мустаҳкамлиги учун бўлаётган ҳар бир саъй-ҳаракатга ўзларини дахлдор ҳис этишади. Бунда маҳалла оқсоқолининг ўрни алоҳида. Ҳар бир оиланинг аҳолидан яхши хабардор оқсоқол 6 йил давомида аҳолининг меҳри, ишончини қозона олди, "Қози" энг илгор маҳаллалардан бирига айланганига муносиб ҳисса қўлди. Ҳозир маҳалла ҳудудида 86 та турли ташкилот ва савдо дўконлари бор. Яқинда мусика мактаби қуриб бекитилди, янги буюм бозори ишга туширилди. Айниқса, Мустаҳкам оила йи-

ТАДБИР

МУҲИМИ - ПЕНСИЯНИ ТЎҒРИ ТАЙИНЛАШ

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи ҳамда меҳнат стажини ошириб кўрсатиш, бундай маълумотларни компьютер базасига нотўғри киритиш ва турли йўллар билан сохталаштириш каби қонунбузарликлар оз бўлсада, учраб туради.

Давлатимиз раҳбарининг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибининг янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорларини оғишари амалга ошириш шундай қонунбузарликларнинг олдини олишга, пенсия ва нафақалар ўз эгаларига белгиланган вақтда, тўла етказиб берилишига хизмат қилмоқда. Урта Чирчиқ туман ҳокимлигида республика Президенти ҳамда ҳукуматнинг қарорлари ижросини таъминлашга бағишлаб ўтказилган тадбирда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси ва туман бўлими ходимлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Тадбир иштирокчилари Молия вазирлигининг ҳудудий назорат-тафтиш ва молия бошқармалари билан ҳамкорликда пенсиялар қонунчилик доирасида тўғри тайинлишини аниқлашга қаратилган ялли текширишлар юксак даражада ўтказилишини таъминлаш, агар ортиқча тўловларга йўл қўйилган бўлса, уни жамғармага қайтариш масалаларини муҳокама қилдилар. Бюджетдан ташқари пенсия таъминоти туман бўлимининг ўтган йилнинг июнь ойидан бунёнги текширувлар даврида пенсияга оид 560 дан зиёд ишни текшириб чиқиб, аниқланган ортиқча тўлов пулларини жамғармага қайтарди. Йиғилиш якунида тумандаги барча қишлоқ ва маҳал-

ДАРВОҚЕ

НИКОҲ - БАҲҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ҳамда тенг ҳуқуқлигига асосланиб тузилади ва ФХДЭ органларида қайд этилиши шарт. Оила Кодекси талабларида биноан никоҳланувчилар белгиланган ёшга етган бўлишлари, никоҳ ту-

ҚАРИНДОШГА ҚУДА БЎЛМАНГ

Қариндош билан турмуш қуришнинг ёмон томони шундаки, ақсарият фарзандлар ноғирон бўлиб туғилди, - деди шахар 1-поликлиникаси шифокори Сирождин Ботиров. Қариндошлар никоҳдан туғилаётган фарзандларнинг 70 фоизи ноғирон, мажруҳ ва бир қатор оғир касалликлар билан дунёга келади. Давра сўхати сўнггида 2012 йил бегози "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилмаганини барча орадан қиқ қилди. Жамиятнинг асосий бўлими бўлиши оиланинг ҳар томонлама мустаҳкам бўлиши учун ҳамма масъул эканлиги таъкидланди. Фаррухбек БОЗОРОВ.

МУШОҲАДА

ҲУҚУҚИЙ ОНГ - ЯХШИ ТАРБИЯ МАҲСУЛИ

Бугун ҳақ-ҳуқуқини билмаган одам ҳар қадамда қоқилиши мумкин. Чунки, қонуний ҳақини талаб қилмаган киши ҳақ бўла туриб ноҳақ бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Юртимизда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш, айниқса, уни ёшлар оғига синдириш масаласига алоҳида эътибор қаратишда акс этади. Шундай экан, ҳуқуқий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси кишиларга, айниқса, ёшларга қонунчилигининг чуқур ўргатиш ва уларда бунга ирсобатан ҳурмат руҳини шакллантиришдан иборатдир. Шу нуктага назардан қараганда, ёшларни маънавий қамолга етказишда ҳуқуқий таълим-тарбиянинг аҳамияти муҳимдир.

"Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси Сюзан Г. Комен номидаги кўкрак саратонига қарши қураш фонди (The Susan G. Komen Breast Cancer Foundation) ўртасида ҳамкорлик келишуви имзоланди.

СОҒЛОМ АЁЛ - СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Мақур фонд кўкрак бези саратонига қарши курашга қаратилган йиллик хайрия ташкилоти ҳисобланади. Хасталик бошдан кечирган аёллар жамиятларини қўллаб-қувватлашда ҳамда касалликни даволаш бўйича методларни ишлаб чиқишга маблағ ажратди. Шунингдек, ушбу ташкилот саратонни барвақт аниқлаш мақсадига жамият савдоҳонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Имзоланган келишув "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони уюшмасининг юртимиздаги хайрия фаолиятини кенгайтириш ва ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ҲАҚИЙАТДА ҚИЛДИ

Table with 5 columns: Автотранспорт тури, Мулкнинг асосий таъсирлари, Двигатель рақами, Қузов рақами, Бошланғич баҳоси (сўм). Rows include various car models like 'Nexia', 'Taco', 'Lada' with their respective details and prices.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошириб бериш тартибида ўтказилган оқик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. Аукцион савдосига тақридан Янгийўл тумани СИБ томонидан, Янгийўл тумани Гўлбаҳор к.ф.й. "Гўлбаҳор Матлубот савдо" МЧЖ оғиборида сакланётган қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда: 1. "УАЗ-469" русумли, д/р/св бўлган, 1984 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 10.02.2009 й. Бошланғич баҳоси 10.000 сўм. 2. "Газ-322130" русумли, д/р/св бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 15.11.2009 й. Бошланғич баҳоси - 4 970 972 сўм. 3. "Уаз-452" русумли, д/р 11L6688 бўлган, 1981 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 27.10.2008 й. Бошланғич баҳоси - 1 521 946 сўм. 4. "Уаз-3303" русумли, д/р 3053822 бўлган, 1984 йил и/ч/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 26.05.2009 й. Бошланғич баҳоси - 607 176 сўм. 5. "Зил-131" русумли, д/р 11M6998 бўлган, 1984 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.04.2009 й. Бошланғич баҳоси - 7 929 332 сўм. 6. "Уаз" русумли, д/р ва и/ч йили йўқ автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 19.08.2009 й. Бошланғич баҳоси - 576 872 сўм. II. Аукцион савдосига тақридан Пискент тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда: 1. "ВТ-150Д" русумли, д/р 3799ЕЗ бўлган, 2004 йил и/ч, И. Хайдаров Агромашфаёи ММТПда сакланётган трактор, ижро ҳужжати 28.12.2009 й., №11-0930/16556. Бошланғич баҳоси - 6 309 950 сўм. 2. "Ваз-2106" русумли, д/р 1123035 бўлган, 1988 йилда и/ч Пискент тумани ИИБда сакланётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.07.2010 й. Бошланғич баҳоси - 3 197 705,70 сўм. 3. "КамАЗ-5320" русумли, д/р 1129600 бўлган, 1984 йилда и/ч Пискент тумани "Бунёдкор" МЧЖ ҳовлисида сакланётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 24.07.2009 й. Бошланғич баҳоси - 5 208 316,10 сўм. III. Аукцион савдосига тақридан Қибрай тумани СИБ томонидан, 29.11.2010 йилдаги 10409, 10410, 10411-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Тошкент вилояти Боқхона бошқармасининг А.

Юрида қўрсатилган автотранспорт воситалари Тошкент шаҳри, Катортал кўчаси, 46-ўйда сакланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 6 март кунини соат 10.00 да бўлиб ўтади. Юридаги мулк 2012 йил 6 март кунини савдода сотилмаган тақдирда, мақур мулкни сотиш юзасидан тақририй савдо 2012 йил 13 ва 20 март кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилами. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00

Навоийи постда сакланётган "КамАЗ-53202" русумли, д/р Х600ЕАМ бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 19 683 000 сўм. Аукцион савдолари 2012 йил 21 февраль кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суя ижорчилари бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Тақририй аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушиш вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2012 йил 17 февраль кунини соат 18.00. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган баҳасизлик келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika Mulk markazi" ЁАЖнинг ОАИКС "Ипак йўли" банки "Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақами тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукцион савдосига тақридан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коррақамий кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Мўлдирлар диққатига! Сиз учун имконият. "Respublika mulk markazi" YoAJ Сизларга қўймас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни, хусусан, ҳўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автотранспорт ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда маблағ-консалтинг хизматларини кўрсатиш ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради. Қўрсатилган хизматлар "Respublika mulk markazi" YoAJнинг кўп йиллик тажрибага эга, махалли мухтассилари томонидан амалга оширилади. "Respublika mulk markazi" YoAJ Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини қафолатлаймиз.

«SEMURG MAZBUT» Сергелийского району (ИНН 206856795) славаетса с ООО "XUMO-FAVZ TA MIR QURILISH" Сергелийского району (ИНН 301187236). Претензии принимаются по тел.: 258-05-15. СП ООО "SITWET INVEST" юридический адрес: г. Ташкент, ул. Хуршида, д. 1-1А (ИНН 204793249, ОКОНХ 13146) сообщает об уменьшении уставного фонда. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по тел.: 448-28-82.

АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 571 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МУТАФАККИР ҲАҚИДА УЧ ҲИКОЯ



КЎК КАПТАРНИНГ ПОЛАПОНИ

Алишер Навоий вазири акбар эди. Бир куни ҳазратнинг кўнгли сайру саҳатни тусади...

Ҳафта ўтди. Энди саройга қайтмоқ лозим эди. Мулозимлар дошқозонларни, чодирларни йиғиштиришга тушдилар...

Кетарди. Шоир ҳаёлга толди: "Кани энди баъзи инсонларда ҳам мана шу қушгаддек меҳру шифат уруғи бўлса..."

Бургут ё лочин чанг солмасин. Уқдингизму, мавлоно? Эшик офаси таъзим қилди...

ЭҶТИРОМ

Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳрдаги талайгина вилоятларни забт этди-ю, Ҳиротга юриш қилишдан ўзини тийди...

Истамайсизму? Доруға қаловланди: - Шохим, бийз зулусонайн-дурмиз, яъниким, икки забонда...

Алишер Навоий ўз сармоясига ҳисобидан "Ихлосия", "Хусравия", "Низомийя" сингари мадрасалар барпо қилдирган эди...

Кетди. Ўрнидан туриб, куллуқ қилди: - Амирим, маъзур тутгайсиз, қари-ганда гумроҳлик бўлди...



ЯНА РАДИОАКТИВ СУВ ТОШҚИНИ

AFP агентлигининг Терсо компаниясига таяниб маълум қилишча, "Фукусима-1" АЭСнинг шикастланган реакторидан 8,5 тонна радиоактив сув оқиб чиқди.



Ушбу хабарга мувофиқ реакторга сув келадиган қувур механик тарзда узил-қолгани боис оқиб чиққан. Маҳаллий мутахассисларнинг кучи билан қувур жойига ўрнатилди...

ТҮРТ БРИТАНИЯЛИК АЙБИГА ИҚРОР БҮЛДИ

Associated Press тарқатган хабарда айтилишига қараганда, тўрт британиялик Лондондаги фонд биржасида террорчилик актини содир этишга тайёргарлик қўришга уринишганини тан олди.

Гумон қилинаётган Муҳаммад Чоудхури, Шоҳ Раҳмон, Гурукант Десаи, Абдул Миах Буюк Британия пойтахтидаги бошқа қатор муҳим объектларда ҳам портлашлар уюштиришни режалаштиришган...

Лавахали мақола ҳам босилган. Айблов материалларига қараганда, гумондорлар портлатиш қурилмасини ясашга, шунингдек, портлашни қандай амалга ошириш масаласида бир тўхтама қелишга улгурмаганлар...



BOLALIK BO'LI

HAMDARDLIK

Itimiz juda kelbatli, jahldorligi ham bor. Nomi Qoplon. Unchamuncha it, biror jonivor hovlimizga yaqin kela olmaydi...

MITTI ҲАЖВИАЛАР

ҚАРСАК

Эшмат Тошматга деди: - Мен қачон аксирсам сен қарсақ чалиб тур, келишдикими? - Келишдиким!

ЭНГ ХАВФЛИ МАХЛУҚ

Шайтон ўғлини етаклаб, оламни таништириб юрганيدا, бир сиғирга дуч келибдилар. Шунда ўғли шайтондан сўрабди: - Бу қанақа махлуқ?

КИМ ХҶЖАЙИН?

Икки ароқхўр чойхонада бўкиб ичишди. Кайфлари тарақ бўлган, бири иккинчисига деди: - Юр, огайни, энди менинг уйимга бориб, уфатчиликни давом эттирамиз...

РАССОМ ХАНДАСИ



БЕКАЖОН

КРЕМЛИ ТОРТ

Масалликлар: 1 стакан шакар, 2 стакан ун, 10 та тухум, 1 банка қуёлтирилган сут, 1 касса ёнғоқ, 250 г сариёғ, бир чимдим ванилин.



«КОСТА ХОНКАРДИЯ» ЭКИПАЖИГА ҚАРШИ ДАЪВО

Италияда 14 январга ўтар кечаси ҳалокатга учраган "Коста Конкордиа" лайнерининг 19 йўловчиси кема капитани Франческо Скеттино ва унинг ёрдамчиларига қарши Боҳум прокуратурасига даъво тақдим этди.

Италияда 15 киши фожиали ўлим топди, 17 киши бедарак йўқолди. Италия ҳукумати суовисти қидирув ишлари тўхтаганини эълон қилди.

TOШKENT ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳоқимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилми: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 236-55-54, 236-55-59.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида териди ва саҳифаланди. Интернет хабарлари асосида тайёрланди.